


# АГРАР СОҲАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

«2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириши йили»га бағишланган профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг

**III - масофавий илмий-амалий  
конференцияси**

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**  
**21 май 2020 йил**



**Тошкент-2020**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**АГРАР СОҲАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА  
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ**

**«2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»га  
бағищланган профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг  
III - масофавий илмий-амалий конференцияси**

**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ  
21 май 2020 йил**

**Тошкент-2020**

Далалар тарихининг давлат кадастрини юритиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича дастурлар ушбу камчиликларга барҳам беришга қаратилган. Навбатдаги муаммо қишлоқ хўжалиги техникасига сарфланадиган харажатлардир. Техниканинг ўзига ҳамда уни бошқаришга, хизмат кўрсатишга ва назорат қилишга қилинадиган харажатларни пасайтириш ишлаб чиқариладиган техника ва ахборот технологияларининг қўшимча имкониятлари тўғрисида етарлича ишончли ва тўлиқ маълумотларга эга бўлиш шароитидагина мумкин бўлади. Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги техникасидан максимал даражада фойдаланишга эришиш учун дастурий-техник мажмуани тўғри тузиб чиқиш лозим. Масалан, тракторни параллел ҳолда ҳайдаш тизимлари, ҳосил датчиклари, ўғитларни табақалаштирилган тарзда киритиш тизимлари, тупроқни таҳлил қилиш тизимлари билан жиҳозлаш мумкин. Техниканинг ўзини мониторинг қилиш учун унга GPS тизимини ўрнатиш ва албатта қишлоқ хўжалик ерларини мониторинг қилиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasидан. 2017 йил 14 январь. [www.kun.uz](http://www.kun.uz)
3. Ананьев М.А. Применение информационных технологий в АПК /М.А. Ананьев, Ю.В. Ухтинская. [Электронный ресурс] – URL: [www.sisupr.mrsu.ru](http://www.sisupr.mrsu.ru).
4. <http://agrarnyisector.ru> <http://www.korall-agro.ru/>

\*\*\*\*

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК**

**Ғ.Д.Дусмуратов**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти

**E-mail: [dusmuratov69@gmail.com](mailto:dusmuratov69@gmail.com)**


Кейинги йилларда мамлакатимизда ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини мақбуллаштириш ва уларни ажратишнинг соддалаштирилган тартибини қўллаш, ер-сув ресурсларидан фойдаланишда замонавий бозор механизмлари, инновацион ва ресурс тежовчи технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республика аҳолиси сонининг юқори суръатлар билан ўсиб бориши, қишлоқ хўжалиги ерларининг бошқа тоифага ўтказилиши ва глобал иқлим ўзгариши таъсирининг кескинлашуви оқибатида охирги 15 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари ўлчами 24 фоизга (0,23 гектардан 0,16 гектаргача), ўртacha йиллик сув таъминоти даражаси эса 3 048 метр кубдан 158,9 метр кубгача қисқарди. Шунинг учун, фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ва фойдаланишга киритиладиган ҳамда ўрмон фонди ерларининг мелиоратив ҳолати, унумдорлиги ва сув таъминотини яхшилаш технологиясини жорий қилганлик учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш тизимини яратиш талаб этилмоқда.

Ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш йирик капитал қўйилмалар талаб этиши, ушбу мақсадлар учун йўналтириладиган бюджет маблағлари ҳажмининг чекланганлиги, тўғридан-тўғри инвестицияларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жалб қилиш масаласига эътибор қаратилмаётганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги ерларининг фойдаланишдан чиқиб кетиши, ҳудудларнинг ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан нооқилона фойдаланиш каби ҳолатлар юзага келмоқда, бу эса ўз навбатида мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва тармоқ экспорт салоҳиятини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда<sup>87</sup>.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан мақсадли фойдаланиш мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал этади. Мазкур муаммоларни ҳал этишнинг ечими иқтисодий нуқтаи назардан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконияти бўлган экин майдонларини муомалага қайтаришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда давлат-хусусий шериклик механизмини қўллаш ўта долзарблиқ касб этади.

Ривожланган мамлакатлардаги ҳолат кўрсатиб турибдики, ер бозорининг ривожланиши, ер муносабатларини такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва муаммонинг хуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, шаҳарлар, минтақалар, эркин иқтисодий зоналар инвестиция жозибадорлигининг ўсишига олиб келади: аксинча ер муаммоларининг ҳал этилмаслиги потенциал инвесторларни ўзидан узоклаштиради.



## **1-расм. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда давлат-хусусий шериклик йўналишлари<sup>88</sup>**

Мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш бугуннинг долзарб вазифасидир. Республикада йиллар давомида ирригация ва мелиорация ҳолати ёмонлашуви натижасида фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш, ер ости сув захираларидан самарали фойдаланиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда ички ирригация тармоқларини реконструкция қилиш орқали сув йўқотилишини камайтириш, шунингдек, бу ишларда салоҳиятли инвесторлар иштироқини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бугунги кунда “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси”ни амалга ошириш доирасида қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишга инвестиция жалб этишнинг механизми сифатида давлат-хусусий шерикликни жорий этиш белгилаб берилган (1-расм).

Концепция доирасида “2020 — 2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари” тасдиқланган. Жами 1 111 723 гектар, шу жумладан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган сугориладиган ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобидан 298 562 гектар (шундан ирригация-мелиорация тадбирлари натижасида 1-босқичда 2019 — 2021 йилларда 147 703, 2-босқичда 2022 — 2024 йилларда 150 859 гектар), ер ости сувидан фойдаланиш ҳисобидан 155 057 гектар, бошқа сув манбалари ҳисобидан 50 000 гектар, лалми, ялов ва бошқа ерларга сув талаб қилмайдиган экин турларини жойлаштириш ҳисобидан 535 632 гектар, ўрмон ерларини фойдаланишга киритиш ҳисобидан 72 472 гектар ерларни босқичма-босқич қайта фойдаланишга киритиш белгилаб берилган.

Инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим обьекти жойлашган ва (ёки) фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаси, инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимида белгиланадиган ҳамда битимнинг амал қилиш муддатидан ошмайдиган муддатларга хусусий шерикка вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш мақсадида тақдим этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 декабрдаги “Наманган вилоятининг Поп ва Мингбулоқ туманларида фойдаланишдан чиқкан ерларни фойдаланишга киритишни давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 972-сон қарори биноан давлат-хусусий шериклик лойиҳалари амалга ошириб **бошланди**.

Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясида белгиланган асосий йўналишлардан қўйидагиларни ажратиб кўрсатамиз:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланган лалми, ялов ва бошқа ерларни фойдаланишга киритиш мақсадида инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фойдаланишга киритган, яроқсиз сув қудуқлари, сугориши насослари, ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаган ёки уларни янгидан барпо этган тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан кафолатлар бериш;

- ўрмон фонди ерларидан фойдаланишда давлат-хусусий шериклик механизмини йўлга қўйиш;

- сув истеъмоли соҳасида бозор механизмларини ҳамда сув хўжалиги обьектларини эксплуатация қилишда давлат-хусусий шериклик тамойилларини босқичма-босқич жорий этиш;

- қишлоқ хўжалиги уруғчилиги йўналишидаги барча илмий тадқиқот муассасаларида

йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган маҳаллий навларни қайта тиклаш ва улар асосида органик (экологик тоза) уруғчиликни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ва амалий ишларни кенгайтириш ҳамда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ушбу ишлар натижаларини реализация қилиш тадбирларини амалга ошириш;

- давлат-хусусий шериклик шартлари асосида уруғчилик кластерларини ташкил қилиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

- қишлоқ хўжалиги йўналишидаги илмий тадқиқотларни олиб бориш, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда давлат-хусусий шериклик механизмини, хусусий сектор иштирокини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини кенг жорий қилиш;

- ерларни фойдаланишга киритишида давлат-хусусий шериклик шартларини белгилаш.

Фойдаланишга киритилган қишлоқ хўжалиги ерларида маҳсулот ишлаб чиқараётган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг ишлаб чиқариш ҳажми ва қўламини кўпайтиришни таъминлайди. Мамлакат аҳолисининг қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари ҳисобланган ўсимликчилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминланган даражасининг ошиши республикамизнинг жаҳон савдо ташклотига аъзо бўлишига шароит яратади ва жаҳон бозорида қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини оширади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-5742-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигига сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-4499-сонли қарори.

3. Камилова М. Инновационные перспективы ГЧП // Журнал «Экономическое обозрение» №1 (241) 2020. - 61-70 стр.

4. Марголина Е. В., Спицына Т. А. Механизмы стимулирования и финансового обеспечения развития водного хозяйства: Монография / Е. В. Марголина, Т. А. Спицына. – М. : ООО «Мегаполис», 2018. – 113 с.

\*\*\*\*

### **МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР З.Т.Сиддиков**

Тошкент давлат аграр университети

Аграр иқтисодиётнинг жаҳон аграр иқтисодиётига глобаллашуви самарадорлигини ошириш, бу жараёнга кириб бориш иқтисодий интеграцион тузилмалар шакли ва механизмини такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида ечилиши лозим бўлган қатор муаммо ва вазифалар мавжуд бўлиб, уларни ҳал этиш, республикамиз аграр соҳаси экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиласди.

Бу, ўз навбатида, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари, агрофирма ва хусусий корхоналар фаолиятини мажмуали ва тизимли ёндашув асосида таҳлил этиш воситасида соҳада мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ҳамда аграр соҳа экспорт салоҳиятини ошириш йўлларини асослашни, долзарб этиб қўймоқда.

<b>Ukatamov Xusniddin Faxriidinovich</b> Qishloq xo'jaligida raqamli texnologiyalarini qo'llash imkoniyatlari	1628-1630
<b>R.J.Baratov<sup>1</sup>, D. A.Yangiyev<sup>2</sup>, A.V.Azizov<sup>3</sup></b> The questions of low power smart sensor development for water flow and level measurement and controls in open canals	1630-1633
<b>Розиков Жаҳонгир Мустақим ўғли Ўзбекистонда кластер усулида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш самарадорлиги</b>	1634-1636
<b>А.Ж. Тошбоев</b> Хорижий давлатларга маҳсулотларни ташиш ва сотиш логистикасини ташкил этиш	1636-1639
<b>О.З Хайдаров</b> Решение социально-экономических проблем сельских территорий путем развития агротуризма в республике Узбекистан	1639-1641
<b>Т.Ғ.Ёкубов</b> Аграр соҳага ресурс тежамкор инновацион технологияларни жорий этишда молиявий қўллаб -қувватлашнинг хусусиятлари	1642-1645
<b>Балташов Журсинбай Муратбаевич</b> Чорвачилик соҳасини ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш	1645-1648
<b>Бўрибоева.Г.Н.</b> Қишлоқ хўжалигига рақамли технологияларни қўллаш муаммолари	1648-1651
<b>Ғ.Д.Дусмуратов</b> Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда давлат-хусусий шериклик	1651-1654
<b>З.Т.Сиддиков</b> Маҳсулотлари экспортини бошқаришнинг долзарб муаммолар	1654-1656
<b>К.Ф.Кузиев</b> Особенности использования земельно-водных ресурсов в сырдарьинской области	1657-1660
<b>Каримов Н<sup>1</sup>. Буронова Д.А<sup>2</sup></b> Қишлоқ хўжалиги олий таълимида «online» усулида ўқитишида автоматлаштирилган ўқитиши тизимлари(аўт)ни қўллаш	1660-1661
<b>Т.Н.Иминов</b> Туман сиуларнинг техник ва молиявий таъминотини ривожлантириш йўллари	1662-1665
<b>Т.Н.Иминов</b> Ирригация хизматлари ва мелиоратив тадбирларни инновацион ривожлантириш йўналишлари	1666-1669
<b>Т.Н.Иминов</b> Мелиоратив тадбирларни ирригация хизматларига таъсирини эконометрик баҳолаш	1669-1673
<b>Т.Н.Иминов</b> Ирригация хизматларини мелиоратив тадбирларига таъсири бўйича самарадорлик кўрсаткичлари	1673-1677
<b>Т.У.Нурымбетов<sup>1</sup>, С.Х.Байжанов<sup>2</sup></b> Қорақалпоғистон республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификациялаш йўналишлари	1677-1680
<b>Ф.Абдуллаев</b> Давлат томонидан қишлоқ ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ташкил этишини қўллаб-қувватлаш механизми	1681-1683
<b>Ф.Р.Исламов</b> Ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бўлган назарий ёндашувлар	1683-1686
<b>Denmuhammadiev A M<sup>1</sup> , Ermatov B K<sup>1</sup></b> Power supply schemes using smart sensors powered by a microhydroelectric power station	1686-1689
<b>И.Р.Давлетов</b> Аудиторлик ташкилоти мустақиллигини таъминлаш масалалари	1689-1692
<b>И.Зиядуллаев</b> Республикамизда хизматлар бозорининг ташкилий	1692-1694